

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 4,79 трлн сўми (371,25 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг май ойига нисбатан 4,72 трлн сўмга ёки 70 баробарга ўсди.
- Шу билан бирга, 726,91 млрд сўми (56,28 млн доллар) ёки битимлар ҳажмининг 15,17 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 23 396 тани ташкил этиб, бу 2024 йилнинг май ойига нисбатан 19 474 тага ёки 45,43 фоизга камайди. Шундан 19 158 та битим Биржанинг биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 4 238 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 228,17 млрд сўми (17,68 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 1 114 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 1,16% фоизга ошиб, 659,91 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 657,85 млрд сўми (50,94 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг май ойига нисбатан 649,23 млрд сўмга ёки 76 баробарга ўсди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (625,40 млрд сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 31,33 млрд сўми (2,43 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 865 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 5,73 трлн сўмга ёки 2,36 фоизга ошиб, 248,31 трлн сўми (19,45 млрд доллар) ташкил этди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,07 трлн сўми (318,44 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, акция эмитентларининг 135 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		5/2021	5/2022	5/2023	5/2024	5/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	612 068	28 157	188 550	8 623	657 852
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	32 214	1 564	8 570	392	31 326
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	71	5	5	1	36
Битимлар сони	дона	8 634	5 990	35 804	38 032	18 175
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	454	333	1 627	1 729	865

UCI ИНДЕКСИ

UCI индекси ой давомида 1,16% фоизга ошиб, 659,91 пункт даражасида ёпилди.

2025 йил май ойидаги UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозорида савдолар ҳажми 69,05 млрд сўмни (5,34 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг май ойига нисбатан 18,00 млрд сўмга ёки 35,26 фоизга ўсди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 3,29 млрд сўмни, ўртача кунлик битимлар сони 47 тани ташкил этди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,5 трлн сўмни (113,94 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, облигация эмитентларининг 18 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		5/2021	5/2022	5/2023	5/2024	5/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	335	0	2 761	51 052	69 054
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	18	0	126	2 321	3 288
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	24	0	89	132	70
Битимлар сони	дона	14	0	31	388	983
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	1	0	1	18	47

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котиловкалаш варағида 102 та эмитентнинг 153 та инструментлари мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 4 238 та битим тузилиб, ўтган йилнинг май ойига нисбатан 4,76% га пасайди.

Савдолар ҳажми 4,06 трлн сўмни (314,98 млн доллар) ташкил этиб, бу ўтган йилнинг май ойига нисбатан 478 баробар кўпайди.

103 та эмитентнинг қимматли қўғозлари битимлар объекти бўлди.